

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 2024 йил учун коррупцияга  
қарши курашиш тизимининг амал қилиши ҳақида**

**УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

**I. Коррупцияга қарши курашишга оид чора-тадбирлар дастурлари  
ижроси тўғрисида умумий маълумот.**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сон “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 1-иловаси билан тасдиқланган **Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида** Марказий банкнинг 2023 йил 28 ноябрдаги 1960-сонли Фармойиши қабул қилиниб, дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича масъуллар биритирилиб белгиланган муддатларда тегишли бандлари ижроси таъминланди.

Хусусан, **Дастурнинг 15-банди:** Мазкур банд бўйича биринчи ижрочи сифатида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги белгиланган бўлиб, Марказий банкнинг 2024 йил 13 апрелдаги 38-17/528-сонли, 2024 йил 24 майдаги 38-17/727-сонли хатлари ҳамда [loyiha.adliya.uz](http://loyiha.adliya.uz) орқали (ID-2375 V-1) “Давлат буюртмачилари томонидан миллий валютадаги корпоратив банк карталари (харид карталари) орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом” юзасидан **ўз таклиф ва мулоҳозалари Иқтисодиёт ва молия вазирлигига юборилган.**

**Дастурнинг 25-банди:** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки таркибий бўлинмалари ва ҳудудий бош бошқармалари ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш бўйича 2024 йил учун ўқув-семинар Дастури ишлаб чиқилиб, мазкур дастурда Марказий банк тизимида фаолият юритаётган ёшларнинг коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатини шакллантиришни назарда тутувчи учрашув ва семинарлар ўтказилиши белгиланди. Мазкур дастур доирасида Марказий банкнинг 35 ёшгача бўлган барча ёш ходимлари учун **2024 йил 18 март** санасида “**Ёшларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш**” мавзуусида ўқув семинари ўтказилди.

**Дастурнинг 38-банди:** Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 26 ноябрда 26/8-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида харидларни амалга ошириш” Тартиби ҳамда Марказий банкнинг Харид комиссияси аъзолари тўғрисидаги маълумотлар **Марказий банкнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган.**

**Дастурнинг 39-банди:** Марказий банкнинг расмий веб-сайтида бўш иш ўринлари ҳамда номзодларга қўйилган талаблар тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиб борилмоқда. Шу билан бирга, Марказий банк тизимида мавжуд вакант иш жойлари ҳамда номзодларга қўйилган талаблар “**Очиқ маълумотлар порталига**” жойлаштирилган.

**1.2.** Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг **2024 йил 8 апрелдаги 14-сонли йиғилиш баённомасининг** 2-иловаси билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш якунлари бўйича “яхши” деб баҳолангандавлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ижобий иш тажрибасини оммалаштириш бўйича **Чора-тадбирлар режаси**” ижроси юзасидан:

**Чора-тадбирлар режасининг 1-банди:** Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2024 йил 21 майдаги 02-07/3035-сонли хатига асосан жорий йил **29-30 май кунлари** Агентлик томонидан “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциянинг олдини олиш ва комплаенс-назорат тизимини самарали жорий этиш” мавзусида ташкил этилган семинарда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш фаолияти самарадорлиги юзасидан **давлат органлари ва ташкилотлари учун тақдимоти ўтказилди**.

**2-банди:** Марказий банк тизимида “**9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни**” муносабати билан қуйидаги тадбирлар ташкил этилди:

2024 йил 29 ноябрь куни Марказий банк марказий аппарати, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар ҳудудий бош бошқармалари ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбати давомида Марказий банк фаолиятида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар самарадорлиги, шу жумладан, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупциявий хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва бошқариш, шунингдек Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички ҳужжатларда ходимлар фаолиятида коррупциявий ҳукуқбузарликларга муросасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни ўзида акс эттирувчи тақиқлар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Шу билан бирга, “9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни” муносабати билан 2024 йил 21 ноябрь куни Марказий банкнинг **Жиззах вилояти бош бошқармасида** “Коррупция - жамият тараққиётининг кушандаси”, 2024 йил 4 декабр куни **Самарқанд вилояти бош бошқармасида** “Коррупция ривожланишимизга тўсиқ”, 2024 йил 12 декабр куни **Бухоро вилояти бош бошқармасида** “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлайлик” мавзусида семинар тадбирлари ўтказилди.

**3-банди:** Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган фаолият натижалари юзасидан тайёрланган видеографика ҳамда интервью **2024 йил 25 июнь** санасида **Ўзбекистон-24 телеканали орқали эфирга узатилди.** Шунингдек, Марказий банкнинг расмий телеграмм, фейсбук ва инстаграмм каналлари орқали **кенг жамоатчилик эътиборига етказилди.**

Шу билан бирга, Марказий банк ҳудудий бош бошқармалари раҳбарларининг 2024 йил 4 май куни “Хоразм ҳақиқати” газетасининг **18-сонида** “Коррупцияга қарши бирга курашамиз” номли, 2024 йил 8 май куни “**Банк ва ҳаёт**” газетасининг 19-20-сонида “Коррупция жамият тараққиётининг кушандаси” номли ҳамда 2024 йил 24 июль куни “**Наманган ҳақиқати**” газетасининг 56-сонида “**Биз-коррупцияга қаршимиз**” номли, 2024 йил 16 сентябрь куни “**Янги Сирдарё**” газетасининг 36-сонида “**Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлари**”, 2024 йил 24 сентябрь куни “**Фарғона тонги**” газетасининг 17-18-сонида “**Коррупциясиз тараққиёт сари**” номли, 2024 йил 17 октябрь куни “**Банк ахборотномаси**” газетасининг 39-сонида “**Банк тизимида коррупцияга йўл йўқ**” номли, 2024 йил 28 ноябрь куни “**Жамият**” газетасининг 48-сонида “**Биз коррупцияга қаршимиз**” номли мавзуларда мақолалар чоп этилди.

**4-банди:** Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган фаолият натижалари юзасидан тайёрланган видеографика **2024 йил 6 июнь** санасида **Марказий банкнинг расмий телеграмм, фейсбук ва инстаграмм каналлари орқали кенг ёритилди.**

Шу билан бирга, соҳага оид босма кўргазмали материаллар ва қўлланмалар, коррупцияга қарши курашишга оид асосий тушунчалар, қонунчилик ва Марказий банк ички идоравий ҳужжатларидағи нормалар ва талаблар юзасидан қўлланма, ходимлар иш столи устига қўйиладиган тейбл-тент ҳамда бинолар кириш қисмига ўрнатиш учун тайёрланган баннерлар каби **тарқатма материаллар** **Марказий банк тизими ходимларига етказилган.**

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-210-сонли “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **қарорининг 29-банди ижросини таъминлаш мақсадида** Марказий банк ходимлари иш столида эслатма сифатида фойдаланиш учун манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатлар ва бундай вазиятларда кўриладиган чоралар бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорлиқда **тейбл-тент, қўлланма ва календарларлар** ишлаб чиқилиб **Марказий банк тизими ходимларига етказилган.**

Шу билан бирга, Коррупцияга қарши курашиш мазмунини ўзида мужассам этган турли шаклдаги кўргазмали ахборот материаллари Марказий банкнинг **расмий веб-сайтида** **Коррупцияга қарши курашиш бўлимига жойлаштирилди.**

**5-банди:** Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган фаолият натижалари юзасидан тайёрланган видеографика ҳамда интервью 2024 йил 25 июнь санасида **Ўзбекистон-24 телеканали орқали эфирга узатилди.**

Марказий банкнинг расмий веб-сайтида Коррупцияга қарши курашиш бўлими ташкил этилган бўлиб, Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот, тайёрланган материаллар ва ўтказилган тадбирлар тўғрисида маълумотлар доимий равишда янгиланиб жойлаштирилиб борилмоқда.

**6-банди:** Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан Марказий банкнинг барча ҳудудий бош бошқармалари томонидан **аноним сўровномалар ўтказилди.**

**7-банди:** **2024 йил 18 март** санасида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг масъул мутахассислари иштирокида Марказий банк тизимида **“Ёшларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш”** мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўтказилган тадбир юзасидан тайёрланган материаллар Марказий банкнинг расмий телеграмм, фейсбук ва инстаграмм **каналлари орқали ёритилди.**

Шунингдек, 2024 йил 12 март ва 28 ноябрь кунлари Хоразм ҳамда Сурхондарё МТРКда **“Коррупция - тараққиёт кушандаси”** мавзусида, 2024 йил 29 март Самарқанд МТРКда **“Коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш”** мавзуларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда давра суҳбатлари ташкил этилди ва эфирга узатилди.

2024 йил 24 май куни Марказий банкнинг Бухоро вилояти бош бошқармасида вилоят Адлия бошқармаси билан биргалиқда **“Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари”** мавзусида, 2024 йил 16 сентябрь куни Марказий банк Сирдарё вилояти Бош бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармаси билан ҳамкорликда **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар”** мавзусида семинар тадбирлари ташкил этилди.

**1.3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июнданги ПҚ-210-сон “Ўзбекистон Республикасининг **“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”** Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган “Йўл-харитаси”нинг барча тегишли бандлари ижроси юзасидан маълумотлар Марказий банкнинг 2024 йил 31 يولдаги 20-09/12ХФУ-сонли ҳамда 2024 йил 4 октябрдаги 20-17/314-сонли хатлари билан **Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим этилди.**

## **II. Сиёsat ва тартиб-таомиллар.**

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тавсияларига асосан ҳамда **ИСО 37001:2016** коррупцияга қарши курашиш халқаро стандарти талабларидан келиб чиқиб, Марказий банқда коррупцияга қарши курашиш борасидаги ишларни тартибга солувчи **13 та** ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланган.

Марказий банк бошқарувининг тегишли қарорлари билан:

- Марказий банкнинг Коррупцияга қарши курашиш Сиёсати;
- Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом;
- Марказий банкда коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом;
- Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисидаги Йўриқнома;
- Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома;
- Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома;
- Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти;
- Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти;
- Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти;
- Марказий банк ходимлари Одоб-аҳлоқининг қоидалари ҳамда Одоб-аҳлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувлари ўтказиш бўйича Регламенти;
- Марказий банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг тақиб қилинмаслиги кафолатлари тўғрисидаги Тартиб;
- Марказий банк тизимида ходимлар томонидан меҳнат фаолияти билан боғлиқ совға ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш, совға қиймати ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисида Низом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, Марказий банк тизимида давлат харидларини амалга ошириш Тартиби такомиллаштирилди.

### **III. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизmlарини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-240-сонли** қарори ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиётига мувофиқ Марказий банкка юклangan барча **функциялар бўйича коррупциявий хавф-хатарлар** баҳоланди.

Баҳолаш натижаларига кўра Марказий банкка қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган вазифалар ва фаолиятни амалга оширишга доир қўшимча функциялардан (**харидларни амалга ошириш, ишга қабул қилиш, назоратга доир функциялари**) бўйича хавф-хатар даражаси “**ўрта**” даражада ва қолган функциялари бўйича “**паст**” даражада баҳоланган. Хусусан “**ўрта**” даражада баҳоланган функциялар бўйича хавф-хатарларни камайтириш юзасидан тегишли чоралар белгиланган.

Бунда, Марказий банк фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни умуман олганда “паст” даражада баҳоланиши Марказий банк томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бевосита банк-молия хизматлари кўрсатилмаслиги ҳамда харидларни амалга ошириш, ишга қабул қилиш ва Марказий банкнинг назоратга доир функцияларини амалга ошириш бўйича қарорларнинг коллегиал тартибда қабул қилиниши, фаолиятнинг тўлиқ норматив-ҳуқуқий хужжатлар билан тартибга солинганлиги ва иш жараёнларини автоматлаштириш чоралари кўрилганлиги билан изоҳланади.

Баҳолаш натижалари асосида шакллантирилган Марказий банкнинг Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда хавф-хатарларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва тегишли маълумотлар “E-anticor.uz” электрон платформасига жойлаштирилди.

#### **IV. Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга ошириладиган тартиб-таомиллар.**

##### ***4.1. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиши.***

Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисида Низом талабларига асосан Марказий банкнинг марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфидаги корхоналарда меҳнат қилаётган барча ходимларнинг **2024** йил учун манфаатлар тўқнашуви бўйича **йиллик декларациялари тақдим қилинган**.

Марказий банк тизими бўйича умумлаштирилган “**Манфаатлар тўқнашуви реестри**” шакллантирилди ҳамда тегишли маълумотлар “E-anticor.uz” электрон платформасига жойлаштирилган.

Марказий банкнинг 2024 йил 11 июндаги 10-сонли буйруғи билан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги ПҚ-210-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда ижроси таъминланган. Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотлар ҳар чорак якуни бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим этилган.

Шунингдек, Марказий банк тизимида бўш иш ўринларга номзодларни лавозимга тайинлаш ҳамда лавозимини ўзгартириш (ротация) жараёнида номзодларнинг манфаатлар тўқнашуви мавжуд/мавжуд эмаслиги тўғрисидаги декларациялари таҳлил қилиниб, **тегишли хulosалар берилган**.

##### ***4.2. Коррупцияга қарши қоидаларни ташкилот шартномаларига киритиш.***

Марказий банк тизимида харидларни амалга оширишда тузиладиган хўжалик шартномаларига Ўзбекистон Республикасининг “**Давлат харидлари тўғрисида**”ги Қонунининг **46-моддасига** асосан харидларни амалга оширишда коррупцияга йўл қўймаслик принципларидан келиб чиқиб, коррупцияга ва қонунчиликнинг бошқача тарзда бузилишларига йўл қўймаслик ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича шартлар киритилган.

Марказий банк тизимиға ишга қабул қилинадиган ходимлар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида лавозим мажбуриятларини систеъмол қилмаслик, Марказий банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари, шу жумладан коррупцияга қарши курашиш қоидаларига риоя қилиш ҳамда бирор бир шахслар ёки ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳолатлари ҳақида ўз раҳбарини ва Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган таркибий бўлинмасини зудлик билан хабардор қилишга оид мажбуриятлар белгиланган.

#### **4.3. Контрагентларни текшириш.**

Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома талаблари асосида харидларни тендер, танлов ва тўғридан-тўғри амалга оширишда **иштирокчиларда аффилланганлик, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа коррупциявий хатарларини олдини олишга қаратилган 180** та контрагентлар бўйича ўрганишлар ўтказилиб тегишли хулосалар берилган.

Ўрганиш натижалари бўйича шакллантирилган контрагентларни ўрганиш реестри “E-antikor.uz” электрон платформасига жойлаштирилган.

#### **4.4. Ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш.**

Марказий банкка ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисида Йўриқнома талабларига асосан **105 нафар** номзодлар ўрганилган. Мазкур ўрганишлар жараёнида номзодлар ҳамда юқори лавозимга тайинланаётган ходимларнинг манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари, аввалги иш жойидаги хулқатвори ҳамда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш билан боғлиқ маълумотларга эътибор қаратилган.

Ўрганиш натижалари бўйича шакллантирилган номзодларни ўрганиш реестри “E-antikor.uz” электрон платформасига жойлаштирилди.

### **V. Ходимларни ўқитиш ва коммуникация тадбирлари.**

#### **5.1. Ходимларнинг ҳуқуқий онгини ошириш юзасидан ўқитиш тадбирлари.**

Марказий банк тизими ходимларининг этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш бўйича **2024 йилга мўлжалланган ўқув-семинар дастури тасдиқланган**.

Мазкур дастур доирасида Марказий банк тизими барча ходимлари учун жами **78 маротаба** (Марказий аппаратда - 6 та, ҳудудий бош бошқармаларда - 50 та, тасарруфдаги корхоналарда - 22 та) давра сұхбати, маъруза ва семинарлар ташкил этилган.

Ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “**Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида**”ги Қонунида ходимларга банклар, хўжалик бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг кузатув кенгашлари таркибига кириш ёки уларнинг акцияларига эгалик қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, тадбиркорлик

фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлиш билан боғлиқ чекловлар юзасидан **2 маротаба** ўқув-семинари ташкил этилиб тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори ижросини таъминлаш мақсадида **Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси** билан ҳамкорликда “Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш” мавзусида Марказий банкнинг **1 992 нафар** бошқарув ходимлари маҳсус электрон платформа орқали 10 соатлик масофавий **ўқув курсида ўқитилди**.

Шунингдек, Адлия вазирилиги томонидан Бош прокуратура ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган **“Манфаатлар тўқнашувига оид” тест** синовларида Марказий банк ходимларининг ўртача ўзлаштириш даражаси **91 фоизни ташкил этди**.

Марказий банк марказий аппарати, ҳудудий бош бошқармалар ва тасарруфдаги корхоналар ходимлари учун **“Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари”** мавзусида ўқув-семинари ҳамда тизимдаги ёш ходимлар учун **“Ёшларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш”** мавзусида давра суҳбатлари ташкил этилди.

Шунингдек, **2024 йил давомида** Марказий банкка янги ишга қабул қилинган **62 та** ходимлар этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилиши таъминланди.

## **5.2. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўтказилган маҳсус ўқув курслари.**

Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш марказида **“Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс-назорат”** мавзусида ташкил этилган **12 соатлик маҳсус ўқув курсида** Марказий банк марказий аппарати ва ҳудудий бош бошқармаларнинг коррупцияга қарши комплаенс-назорат масалаларига масъул **17 нафар** ходимлари ўқитилди ва тегишли сертификатлар олинди.

## **VI. Коррупциявий хатти-ҳаракатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш тизими.**

Марказий банк бошқарувининг 2022 йил 24 сентябрдаги 21/8-сонли қарори билан “Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти” тасдиқланган.

Шунингдек, Марказий банк тизими ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган **4 та алоқа каналлари** (расмий веб-сайт, электрон почта, телеграмм бот, ишонч телефони) ишга туширилган.

Марказий банк тизими ходимларининг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ҳақида келиб тушган мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда Марказий банкнинг Коррупцияга қарши курашишга оид ички идоравий ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Шу билан бирга, Марказий банк бошқарувининг 2023 йил 25 мартағи 8/13-сонли қарори билан **“Марказий банк тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган ходимларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг таъқиб қилинмаслиги кафолатлари тўғрисида”**ги Тартиб тасдиқланган.

**2024 йилда** Марказий банк тизими ходимларининг коррупция билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари юзасидан **мурожаатлар келиб тушмаган**.

#### **VII. Мониторинг, назорат ва профилактик тадбирлар.**

Марказий банк бошқарувининг 2023 йил 24 декабрдаги қарори билан тасдиқланган **“Марказий банк тизимида ўтказиладиган ички аудит ва комплаенс-назоратни ташкил этиш режаси”**га асосан Марказий банкнинг қатор таркибий бўлинмалари, барча ҳудудий бош бошқармалари ва тасарруфдаги корхоналарда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлар давомида департаментлар, давлат унитар корхоналари ҳамда ҳудудий бош бошқармалар ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ёки содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-аҳлоқ қоидаларига риоя қилмаслик тўғрисида оммавий ахборот воситаларида маълумотлар, шунингдек вазифа ва функцияларини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги ҳамда ўз вақтида қарор қабул қилмаслик ёки асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш ҳолатлари кузатилмади.

Шунингдек, ўрганишлар давомида ходимлар учун коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳамда Марказий банкнинг ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва талаблари юзасидан **ўқув-семинарлар** ташкил этилиб, ходимлар билан **профилактик сұхбатлар, тест синовлар** ҳамда **аноним сўровлар** ўтказилди салбий фикрлар кузатилмади.

#### **VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари.**

Марказий банк тизими ходимлари томонидан 2024 йилда коррупцияга қарши курашишга оид қонунчилик ҳужжатлари ҳамда Марказий банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини бузиш ҳолатлари **қайд этилмаган**.

## IX. Хулосалар.

- Марказий банкда Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг тавсияларига асосан ҳамда ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш халқаро стандарты талабларидан келиб чиқиб, Марказий банкда коррупцияга қарши курашиш соҳасини тартибга солувчи **13 та** ички норматив-хуқуқий ҳужжатлар тасдиқланган.

*2024 йилда Марказий банк тизимида ходимлар томонидан мөхнат фаолияти билан боғлиқ совға ва меҳмондўстлик белгиларини қабул қилиш, совға қиймати ва уни тасарруф этиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.*

*Марказий банк тасарруфидаги барча корхоналарда номзодларни ишга қабул қилиш бўйича танлов жараёнларини автоматлаштириш орқали инсон омили иштирокини минималлаштириш мақсадида номзодларни ишга қабул қилиш бўйича ички идоравий ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.*

• Марказий банкка юкланган барча функциялар коррупциявий хавф-хатарлари таҳлил қилиниб, коррупциявий хавф-хатар даражаси бўйича тоифаларга ажратилган. Баҳолаш натижалари юзасидан шакллантирилган Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда хавф хатарларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ижроси таъминланган.

• “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 июндаги ПҚ-210-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланган ҳамда ижроси таъминланган.

• Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувины аниқлаш ва бошқариш тўғрисида Низом талаблари асосида Марказий банк бўйича умумлашган Манфаатлар тўқнашуви реестри шакллантирилган ҳамда барча “потенциал” ҳолатларнинг “реал” манфаатлар тўқнашувига айланишини олдини олиш бўйича чоралар белгиланган ва назоратга олинган.

• Хўжалик шартномалари ҳамда мөхнат муносабатларини тартибга солувчи шартномаларда коррупцияга қарши қоидаларни назарда тутувчи шартлар киритилган.

• Марказий банк тизимида харидларни амалга оширишда ҳамда тизимга ишга қабул қилинаётган ва юқори лавозимга тайинланаётган номзодларни ички норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда ўрганиш ишлари амалга оширилган.

- Марказий банк ходимларининг коррупцияга қарши курашишга оид билим ва кўнилмаларини ошириш, коррупциянинг моҳияти, сабаблари, ижтимоий жиҳатдан хавфли ва заарли оқибатлари тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш мақсадида мунтазам равишда ўқув семинарлари ва профилактик тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

**X. 2025 йил учун режалаштирилган чора-тадбирлар:**

1. Марказий банк тизимида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини баҳолаш бўйича назорат тадбирларини масофавий шаклда амалга оширишни жорий қилиш.
2. Марказий банқда ISO37001:2016 Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими стандарти талаблари ижроси юзасидан ўз-ўзини баҳолашдан ўтказиш.
3. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш йўналишлари ва индикатор кўрсаткичларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш чоралари кўрйлиб, амалга оширилган ишлар борасидаги барча зарур чораклик маълумотларнинг “E-antikor.uz” электрон платформасига жойлаштириб борилиши таъминланаш.

**Комплаенс-назорат ва ички аудит  
департаменти директори**

**Д.Холмуродов**

